**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

Рўйхатга олинди:
№ МИО-867-2024
2024 йил « 6 » 07

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
UZLUKSIZ TIBBIY - FARMATSEVTIK
TA'LIMNI MUVOFIQLASHTIRUVCHI
KENGASH

Билим соҳаси: Соғлиқни сақлаш

# КАСАЛХОНА ИЧИ ИНФЕКЦИЯЛАРНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ

**мавзусида малака ошириш курси ўқув дастури**
**(ўқиш муддати – 72 кредит)**

**Тошкент 2024**

**Тузувчилар:**

| | |
|---|---|
| Искандарова Г.Т. | ТХКМРМ "Эпидемиология" кафедраси мудири, т.ф.д., профессор |
| Неъматов А.С. | ТХКМРМ "Эпидемиология" кафедраси профессори, т.ф.д. |
| Рахманова Ж.А. | ТХКМРМ "Эпидемиология" кафедраси доценти, т.ф.д. |
| Зоирова Н.Т. | ТХКМРМ "Эпидемиология" кафедраси катта ўқитувчиси |

**Тақризчилар:**

| | |
|---|---|
| Ёдгоров Ў.А. | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси бўлим бошлиғи, т.ф.н. |
| Асатова Н.Б. | ТХКМРМ "Микробиология, иммунология ва молекуляр генетика асослари" кафедраси доценти, т.ф.н. |

Ўқув дастури Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Марказий ташкилий-услубий Кенгашида кўриб чиқилган.

2024 й.«20» 06, баённома № 13

Ўқув дастури Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Узлуксиз тиббий-фармацевтик таълимни Мувофиқлаштирувчи кенгашда тасдиқланган.

2024 й. « 6 » 07, баённома № 1

Кенгаш раиси ____________ Х.А. Акилов

## Кириш

Ўқув дастури касалхона ичи инфекцияларини олдини олиш масалаларига бағишланган сўнгги замонавий чет эл адабиётларини таҳлил қилиш, дидактика ва дипломдан кейинги таълимни ташкил қилишни ҳисобга олган ҳолда ва соғлиқни сақлаш ходимларини узлуксиз касбий ривожлантиришнинг замонавий халқаро тамойилларига мос ҳолда, умумқабул қилинган касбий ва ахлоқий нормалар доирасида, илғор халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ўқув дастури юқумли касалликларни олдини олиш, эпидемияга қарши профилактик чора-тадбирларни самарали амалга ошириш масалаларига бағишланган. Янги назарий билим ва амалий кўникмаларни мукаммаллаштириш ва янгилаш ҳамда уларни кундалик амалиётда қўллашга эпидемиолог шифокорнинг касбий дунё қарашини кенгайтиришга ёрдам берадиган ва юқори даражадаги халқаро стандартларга жавоб берадиган рақобатбардош малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида тузилган. Дастур кредит/модул методологияси бўйича ва илғор халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, далилларга асосланган тиббиёт натижалари асосида тузилган. Соғлиқни сақлаш ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш, замонавий илм-фан ютуқларига ва тиббиёт амалиётининг жорий эҳтиёжларига мос ҳолда, тиббиёт фани ва амалиётидаги жорий вазиятнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

**Мақсад.** Касалхона ичи инфекцияларини аниқлаш, гемоконтакт йўл орқали юқадиган инфекцияларни олдини олиш, профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, даволаш-профилактика муассасаларида шифохона ичи инфекцияларини олдини олиш буйича инфекцион назорат ўрнатиш, эпидемиологик диагностика, эпидемиологик назорат, профилактика ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар, амалиётга жорий қилиш бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларини мукаммаллаштириш ва янгилашдан иборат.

**Вазифалар.**

- тингловчиларда замонавий эпидемиология менежменти ва маркетинги талаб ва қоидалари ҳақида фикр шакиллантириш;
- эпидемик ташҳис, эпидемияга қарши курашда янги усулларни, аҳолини касалликка мойиллигини, аҳолида иммунитетни ҳосил қилишга қаратилган чоралар, эпидемиологик диагностика, эпидемиологик назорат, олинган касаллик маълумотларига статистик ишлов бериш ва ҳисобот расмийлаштириш, профилактика ва эпидемияга қарши замонавий чора-тадбирларни амалиётга жорий қилиш, юқумли касалликлар пайдо бўлганда жаҳонда қўлланилаётган режим қоидаларини ўргатиш.
- Касалхона ичи инфекцияларини олдини олиш, гемоконтакт йўл орқали юқадиган инфекцияларни олдини олиш, профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, даволаш-профилактика муассасаларида шифохона ичи инфекцияларини олдини олиш буйича инфекцион назорат ўрнатиш.

**Таълим олувчилар контингенти:** эпидемиологлар, ДПМ ларнинг жарроҳ, терапевт, акушер-гинеколог, травматолог, инфекционистлар,

ДПМларининг олий маълумотли, бош, катта, етакчи хамширалари ва ўрта тиббиёт ходимлари.

**Ўқув дастурини ўзлаштира олиши учун зарур бўлган тингловчи компетенцияси:**

- ДПМларда шифохона ичи инфекцияларининг юзага келиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида ташкилий, даволаш-профилактик, санитар-гигиеник, эпидемияга қарши ва дезинфекция чора-тадбирларини ўтказа олиш.
- ДПМларда хоналарнинг санитар ҳолатига бўлган гигиеник талабларни риоя қилинишини назорат қилиш ва ташкиллаштира олиш.
- Шифокорлик амалиётида қўлланиладиган тиббий анжомларнинг дезинфекцияси, стерилизациядан олдинги тозалаш ва турли усулларини қўллаган ҳолда стерилизацияни ўтказа олиш ва сифатини назорат қилишни ташкиллаштира олиш.
- Юқумли касалликлар бўйича эпидемик вазиятнинг тезкор (оператив) ва бир неча йиллик (ретроспектив) таҳлилини ўтказа олиш.

**Дастурнинг долзарблиги:** Тиббиёт амалиётида гемоконтакт йўл билан юқадиган инфекцияларни олдини олиш мақсадида шифокорларнинг ушбу инфекцияларнинг эпидемиологияси, профилактикаси, дезинфекция, асептика ва антисептика қоидалари, тиббиётда ишлатиладиган анжомларнинг стерилизацияси каби йўналишлар бўйича назарий билимларини ошириш ва амалий кўникмаларини такомиллаштириш. Касалхона ичи инфекцияларини олдини олиш, гемоконтакт йўл орқали юқадиган инфекцияларни олдини олиш, профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, даволаш-профилактика муассасаларида шифохона ичи инфекцияларнинг олдини олиш буйича инфекцион назорат ўрнатиш.

Жамоат соғлиғини сақлашда аҳамиятга эга бўлган ташқи муҳит омиллари, озиқ-овқат маҳсулотларининг ва сув йўли орқали тарқаладиган касалликлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда юқумли касалликлар орқали тарқаладиган қўзғатувчилар устидан назоратни кучайтириш ҳисобланади, бу эса умуман олганда аҳоли саломатлигини оширишга олиб келади.Ўқув дастурининг долзарблиги  янги 2019 йил 9 сентябрда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасида санитария-эпидемиология хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора –тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва "Шифохона ичи инфекциялари профилактикаси" Санитария қоида ва меёрлари (СанҚваМ - 0342-17) бўйича қўшимча ўқув соатлари ажратилди. Бу ўз навбатида Соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлади.

**Дастур ҳажми** 72 кредит (хафтада 36 кредит, кунига 6 кредит)

**Ўқиш шакли:** кундузги - ўқиш ишдан тўлиқ ажралган ҳолда.

**Машғулотларни ўтиш тартиби: м**ашғулотлар 8.30 да бошланиб, 13.30да тамом бўлади.Тушлик 30 дақиқа.

**Ўқиш тугагандан сўнг бериладиган ҳужжат:** ўқув дастурини тамомлаган тингловчиларга "Касалхона ичи инфекцияларининг

эпидемиологияси ва профилактикаси” мавзусида малака оширганлиги ҳақида Давлат талаблари намунасидаги гувоҳнома тақдим этилади.

**Режалаштирилаётган таълим (натижалари)дан сўнг тингловчи компетенцияси:** Дастурни муваффақиятли эгаллаган тингловчи мутахасисликнинг хусусиятларидан келиб чиқиб малакавий характеристика бўйича умумий ва малакавий кўникмалари такомиллаштирилади, қуйидаги касбий компетенцияси ошади:

- Даволаш-профилактика муассасаларида стерилизация, дезинфекция, эпидемияга қарши, санитар-гигиеник профилактик чора тадбирларга риоя қилинишини назорат қилишни ташкиллаштира олиш.
- Тиббиёт амалиётида гемоконтакт йўл билан юқадиган инфекцияларнинг олдини олиш мақсадида шифокорларнинг ушбу инфекцияларнинг эпидемиологияси, профилактикаси, дезинфекция, асептика ва антисептика қоидалари, тиббиётда ишлатиладиган анжомларнинг стерилизацияси каби йўналишлар бўйича назарий билимларининг ошиши ва амалий кўникмаларини такомиллашиши.
- Юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик вазиятнинг тезкор ва ретроспектив таҳлилини ўтказа олиш, аҳолининг хилма-хил гуруҳлари орасида, ҳудуд бўйича юқумли касалликлар тарқалишини таҳлил қила олиш, эпидемияга карши ва профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.
- Касаллик юқишининг омиллари ва касаллик манбаини аниқланиши билан юқумли касалликлар ўчоқларида таҳлил ўтказа олиш. Касаллик ўчоғининг тўлиқ тугатилиши ва касалликнинг бошқа қайтарилмаслигини олдини олиш чора-тадбирларини белгилаш.

## «КАСАЛХОНА ИЧИ ИНФЕКЦИЯЛАРИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ»
### мавзусида малака ошириш циклининг ўқув режаси

| № | Модуллар номи | Кредит | Аудитория машғулотлари | | Аттестация |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Маъруза | Амалий йўналишдаги машғулотлар | |
| 1. | Модул 1. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш Концепцияси. Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, меъёрий ҳужжатлар. Санитария- | 8 | 6 | 2 | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | эпидемиология хизматини ташкил қилиш ва меъёрий ҳужжатлар. | | | | |
| 2. | Модул 2. Эпидемиологиянинг замонавий талқини | 16 | 6 | 10 | |
| 3. | Модул 3. Шифохона ичи инфекцияларининг долзарб муаммолари | 10 | 4 | 6 | |
| 4. | Модул 4. Даволаш-профилактика муассасаларида касалхона ичи инфекцияларини олдини олишнинг замонавий йўналишлари | 12 | 2 | 10 | |
| 5. | Модул 5. Шифохона шароитида юқиш эҳтимоли юқори бўлган айрим инфекцияларни олдини олишнинг замонавий йўналишлари | 8 | 4 | 4 | |
| 6. | Модул 6. Республикада санитария-эпидемиологик осойишталикни ташкил этиш тамойилларининг замонавий талқини- назарий ва амалий асослари | 12 | | 12 | |
| 7. | Назорат | 6 | | | 6 |
| | Жами: | 72 | 22 | 44 | 6 |

**«КАСАЛХОНА ИЧИ ИНФЕКЦИЯЛАРИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ»**
**мавзусида малака ошириш циклининг ишчи ўқув режаси**

| № | Модуллар номи | ми кр | ма ър | Амалий машғулотлар | те та |
|---|---|---|---|---|---|

| | | | | Амалий дарс (АЛ) | Семинар (С) | Кўчма машғулот (КМ) | Лаборатория иши | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **1** | **Модул 1. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш Концепцияси. Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, меъёрий ҳужжатлар. Санитария-эпидемиология хизматини ташкил қилиш ва меъёрий ҳужжатлар.** | **8** | **6** | **2** | | | | |
| 1. | Ўзбекистоннинг энг янги тарихи. Маънавият асослари. Шифокор этикаси ва деонтологияси. Одоб-ахлоқ қоидалари. Меъёрий ҳужжатлар. | | | | 2 | | | |
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш ҳузуридаги санитария-эпидемиологик осойишталик Агентлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги санитария-эпидемиология назорати давлат Инспекциясининг фаолияти, ташкилий тузилиш тамойиллари ва назарий асослари. | | 2 | | | | | |
| 3. | Ўзбекистон Республикасида Дезинфекция ишларини ташкил қилиш. Дезинфектология бўйича фаолиятнинг ҳуқуқий асослари. | | 2 | | | | | |
| 4. | Ўзбекистон Республикаси ҳудудини четдан ўта хавфли ва бошқа юқумли касалликлар кириб келишидан ҳимоя қилиш. Биотерроризм. Халқаро тиббий-санитар қоидалар. | | 2 | | | | | |
| **2** | **Модул 2. Эпидемиологиянинг замонавий талқини** | **16** | **6** | **10** | | | | |
| 1. | Умумий эпидемиологияда замонавий ёндашув. Юқумли касалликлар кўтарилиш жараёни. Юқумли | | 2 | | | | | |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | касалликларнинг ривожланиш босқичлари. Юқумли касалликлар устидан эпидемиологик назорат. | | | | | | | |
| 2. | Далилларга асосланган тиббиётнинг асосий тамойиллари. | | 2 | | | | | |
| 3. | Дезинфекция, турлари, усуллари ва воситалари. ШИИ қўзғатувчиларининг антимикроб ва дезвоситаларга чидамлилиги. Стерилизация, турлари, усуллари ва воситалари. Марказлашган стерилизация бўлими (МСБ)нинг ишини ташкил қилиш. | | | | 2 | | | |
| 4. | Стерилизация олди ишлови. Стерилизация сифатини баҳолаш (лаборатория иши). | | | | | | 2 | |
| 5. | Чиқиндиларнинг турлари. Уларнинг одам организмига таъсири. | | 2 | | | | | |
| 6. | Тиббий чиқиндиларни йиғиш ва хавфсиз зарарсизлантириш усуллари. | | | 2 | | | | |
| 7. | Умумий вирусология.<br><br>Вирусларнинг табиати тўғрисида замонавий тасаввур. Вирусларнинг бактериялардан фарқи. | | | | 2 | | | |
| 8. | Умумий иммунологиянинг асослари. Вирусли касалликлардан кейин пайдо бўладиган иммунитетнинг хусусиятлари. Вирусли касалликларнинг профилактикаси. | | | | 2 | | | |
| **3** | **Модул 3. Шифохона ичи инфекцияларининг долзарб муаммолари** | **10** | **4** | **6** | | | | |
| 1. | «Шифохона ичи инфекциялари» тушунчаларига таъриф (ШИИ), этиологияси. Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти. ШИИ эпидемик жараёнининг тавсифи. Госпитал инфекциянинг эпидемиологик кўринишлари. Госпитал | | 2 | | | | | |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | инфекциянинг профилактикаси ва назоратининг асосий йўналишлари. | | | | | | | |
| 2. | Жарроҳлик амалиёти натижасида юзага келадиган инфекция. Этиологияси. Эпидемик жараён ривожланиш ва юзага чиқиш механизмлари. Хавф омиллари. Эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш. | | | 2 | | | | |
| 3. | Пешоб чиқарув йўллари инфекцияси. Этиологияси. Эпидемик жараён ривожланиш ва юзага чиқиш механизмлари. Хавф омиллари. Профилактик чора-тадбирлар. Эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш. | | | | 2 | | | |
| 4. | Қон айланиш тизими инфекциялари. Нозокомиал пневмониялар. Этиологияси. Эпидемик жараён ривожланиш ва юзага чиқиш механизмлари. Хавф омиллари. Профилактик чора-тадбирлар. Эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш. | | | | 2 | | | |
| 5. | Шифохона ичи сальмонеллези ва колиэнтеритлар. Этиологияси. Эпидемик жараён ривожланиш ва юзага чиқиш механизмлари. Хавф омиллари. Профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар. Эпидемиологик назорат тизими. | | 2 | | | | | |
| **4.** | **Модул 4. Даволаш-профилактика муассасаларида касалхона ичи инфекцияларининг олдини олишнинг замонавий йўналишлари** | **12** | **2** | **10** | | | | |
| 1. | Даволаш-профилактика муассасаларига қўйиладиган санитар-гигиеник талаблар. | | | | 2 | | | |
| 2. | Қўзғатувчиларнинг госпитал | | | | 2 | | | |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | штаммлари: таърифи, хоссалари, шаклланиш шароитлари. Штаммларни эпидмаркировкалаш усуллари. | | | | | | | |
| 3. | Шифохонанинг госпитал эпидемиологи, унинг вазифалари. Турли шифохоналарда ШИИ кўтарилишларини эпидемиологик суриштирувнинг хусусиятлари, асосий йўриқ-ҳужжатлар. | | | | 2 | | | |
| 4. | Кўп тармоқли шифохоналар шароитида ШИИ юзага келиши, этиологияси ва эколого-эпидемиологик хусусиятлари. | | | | 2 | | | |
| 5. | Шифохоналарда инфекцион назорат тизими, унинг мақсади ва вазифалари, турли шифохоналарда хусусиятлари. Инфекцион назорат комиссиясининг таркибий тузилиши. | | 2 | | | | | |
| 6. | Шифохоналарда ШИИ кўтарилишларини эпидемиологик суриштирув. ШИИда профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг кетма-кетлиги (алгоритми). | | | 2 | | | | |
| **5.** | **Модул 5. Шифохона шароитида юқиш эҳтимоли юқори бўлган айрим ифекцияларни олдини олишнинг замонавий йўналишлари** | **8** | **4** | **4** | | | | |
| 1. | Вирусли гепатитлар (B, C, D, G) этиологияси ва эпидемиологияси, парентерал вирусли гепатитлар билан гемотрансфузион зарарланишнинг профилактикаси | | 2 | | | | | |
| 2. | ОИВ/ОИТС. ОИВ-инфекциянинг этиологияси, патогенези, диагностикаси, эпидемиологияси. АРВ-терапия асослари. ОИТСнинг профилактикаси. Мулоқотдан кейинги профилактика. Меъёрий-ҳуқуқий | | | 4 | | | | |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | ҳужжатлар. | | | | | | | |
| 3. | Қрим-Конго геморрагик иситмаси, этиологияси ва эпидемиологияси ва гемотрансфузион зарарланишнинг профилактикаси. | | 2 | | | | | |
| **6** | **Модул 6. Республикада санитария-эпидемиологик осойишталикни ташкил этиш тамойилларининг замонавий талқини- назарий ва амалий асослари** | **12** | | 12 | | | | |
| 1. | Республикада санитария-эпидемиологик осойишталикни ташкил этиш тамойиллари, шифохона ичи инфекцияларини олдини олишнинг назарий ва амалий асослари. | | | | | 6 | | |
| 2. | Республикада юқумли касалликлар профилактикасини ташкил этиш тамойиллари, марказлашган стерилизация жараёнининг назарий ва амалий асослари | | | | | 6 | | |
| **7.** | **Модул 7. Назорат** | **6** | | | | | | |
| | Тест | | | | | | | 2 |
| | Якуний синов | | | | | | | 4 |
| | **Жами:** | **72** | **22** | 44 | | | | 6 |

## 1. Модул: Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш Концепцияси. Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, меъёрий ҳужжатлар. Санитария-эпидемиология хизматини ташкил қилиш ва меъёрий ҳужжатлар.

| | |
|---|---|
| **Ўқув модулига ажратилган кредит:** | 8 кредит |
| **Ўқув модули мазмуни:** | Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш Концепцияси ,“Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси 2017-2021”; 4чи йўналиш “Сиёсий |

| | |
|---|---|
| | ижтимоий ва иқтисодий соҳаларга оид Президент фармонлари, ССВни қарорларини ўрганиш” Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш ҳузуридаги санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматини ривожлантириш чора-тадбирлар режаси фаолияти, ташкилий тузилиш принциплари ва назарий асослари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги санитария-эпидемиология назорати давлат Инспекциясининг фаолияти, ташкилий тузилиш тамойиллари ва назарий асослари. Маънавият асослари. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи.<br>ТХКМРМ Одоб-ахлоқ қоидалари. Шифокор этикаси ва деонтологияси. |
| **Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:** | Республикамиздаги миллий дастурларнинг асосий йўналишларини;<br>Сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий, айниқса тиббиётга тегишли бўлган Президент фармонларини; ССВнинг қарорларини;<br>Республикамизда нишонланадиган байрамлар ва миллий қадриятларимизни.<br>Ўзбекистон Республикасида санитария-эпидемиология хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора–тадбирлари, ва эришилган ютуқлари<br>Республикада санитария-эпидемиологик осойишталикни ташкил этиш тамойилларининг замонавий талқини- назарий ва амалий асослари<br>Шифокор этикаси ва деонтологиясининг асосий қоидалари. |
| **Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:** | Тиббиётга тегишли бўлган Президент Қарорлари ва Фармонларини амалиётга татбиқ этиш бўйича йўл хариталари тузиш;<br>ССВнинг қарорлари ва буйруқларини жойларда бажарилишини таъминлаш;<br>Республикамизда нишонланадиган байрамларда фаол иштирок этиш;<br>Миллий қадриятларимизни келажак авлодга етказишни таъминлаш.<br>Ахолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, хавф-хатарларни барвақт аниқлашни таъминлаш, юқумли касалликлар келиб чиқиши билан боғлиқ касалликлар устидан мониторинг олиб бориш ва |

| | |
|---|---|
| | назорат қилиш тизимини жорий этиш.<br>Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини (СанҚваН) ва Буйруқлар халқаро стандартлар ва нормаларга мувофиқ уйғунлаштириш ва долзарблигига қараб ишлаб чиқиш ва жорий этиш<br>Юқумли бўлмаган ва юқумли касалликлар юзага келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган эпидемияга қарши ва санитария-гигиеник тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш |

## 2 Модул. Эпидемиологиянинг замонавий талқини

| | |
|---|---|
| **Ўқув модулига ажратилган кредит:** | 16 кредит |
| **Ўқув модули мазмуни:** | Эпидемиологияга оид тушунчалар, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар эпидемиологияси, юқумли касалликларнинг эпидемиологик суриштирув ва ҳисобот ёзиш усуллари, биостатистика асослари ва турлари, статистик таҳлилнинг назариёти ва амалиёти, далилларга асосланган тиббиётнинг асосий тамойиллари, дезинфекция ва стерилизация ҳамда чиқиндиларни хавфсиз зарарсизлантириш масалалари, умумий вирусология ва иммунологиянинг асослари. |
| **Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:** | Юқумли касалликларнинг ривожланиш босқичлари.<br>Юқумли касалликлар устидан эпидемиологик назорат.<br>Юқумли касалликларни эпидемиологик тадқиқотининг услубиёти.<br>Эпидемиологик тадқиқотнинг усуллари, турлари, хусусиятлари.<br>Анкета сўровномаларини тузиш ва маълумотлар йиғиш.<br>Ўзбекистон Республикасида Иммунопрофилактика ишларини ташкил қилиш.<br>Далилларга асосланган тиббиётнинг асосий тамойиллари<br>Дезинфекция, дезинсекция ва стерилизация турлари, усуллари ва воситалари<br>Тиббий чиқиндиларни йиғиш ва хавфсиз |

| | |
|---|---|
| | зарарсизлантириш усуллари. |
| **Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:** | Юқумли касалликларнинг ривожланиш босқичларини аниқлаб эпидемик тарзда тарқалишига йўл қўймаслик чораларини ишлаб чиқиш<br>Юқумли касалликлар устидан эпидемиологик назорат ўрнатиш, инфекция манбаси, юқиш механизми ва мойил организмга нисбатан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалиётда жорий этиш.<br>Профилактика ва эпидемияга қарши чораларнинг самарадорлигини, сифатини баҳолаш<br>Дезинфекция, дезинсекция, дератизация ва стерилизация сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва баҳолаш, лаборатория усули билан кўрсаткич самарадорлигини аниқлаш.<br>Инфекция манбаларини ўз вақтида аниқлаш ва нейтраллаш чоралари: беморни эрта аниқлаш ва алоҳидалаш, касалхонадан чиқариш қоидалари, реконвалесцентларнинг диспансер кузатувини ташкил қилиш, ташувчиларни аниқлаш<br>Юқумли касалликлар ҳолати ҳақида ҳисобот ёзиш ва бошқариладиган инфекцияларга қарши эмлашни тўғри режалаштириш<br>Тиббий чиқиндиларни хавфсиз зарарлантириш устидан назорат қилиш |

## 3 Модул. Шифохона ичи инфекцияларининг долзарб муаммолари

| | |
|---|---|
| **Ўқув модулига ажратилган кредит:** | 10 кредит |
| **Ўқув модули мазмуни:** | «Шифохона ичи инфекциялари» тушунчаларига таъриф (ШИИ), этиологияси. Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти. ШИИ эпидемик жараёнининг тавсифи. Госпитал инфекциянинг эпидемиологик кўринишлари. Госпитал инфекциянинг профилактикаси ва назоратининг асосий йўналишлари. Жарроҳлик амалиёти натижасида юзага келадиган инфекцияларнинг этиологияси, эпидемик жараён ривожланиш ва юзага чиқиш механизмлари, хавф омиллари, эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш. Пешоб чиқарув йўллари инфекцияларининг этиологияси, эпидемик жараён ривожланиш ва юзага чиқиш механизмлари, хавф омиллари, |

| | |
|---|---|
| | профилактик чора-тадбирлар, эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш. Қон айланиш тизими инфекциялари, нозокомиал пневмонияларнинг этиологияси эпидемик жараён ривожланиш ва юзага чиқиш механизмлари, хавф омиллари, профилактик чора-тадбирлар, эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш. Шифохона ичи сальмонеллези ва колиэнтеритларнинг этиологияси, эпидемик жараён ривожланиш ва юзага чиқиш механизмлари, хавф омиллари, профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар, эпидемиологик назорат тизими.<br>СанҚваМ № 0342 – 17 |
| **Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:** | Юқумли касалликларни эпидемиологик тадқиқотининг услубиёти<br>Эпидемиологик тадқиқотнинг усуллари, турлари, хусусиятлари<br>Статистик таҳлилнинг назариёти |
| **Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:** | Анкета сўровномаларини тузиш ва маълумотлар йиғиш<br>Тавсифий ва индуктив статистик таҳлил қилиш<br>Статистик таҳлилни амалиётда бажара олиш (тестлар, миқдор ва кўрсаткичлар, уларни қиёслаш, таҳлил қилиш, корреляцион таҳлил, логистик регрессия таҳлили)<br>Эпидемиологик суруштирув олиб бориш. Таҳлил учун намуналар йиғиш ва лаборатор текширув олиб боришда қатнашиш<br>Эпидсуруштирув натижалари бўйича ҳисобот ёзиш |

## 4 Модул. Даволаш-профилактика муассасаларида касалхона ичи инфекцияларини олдини олишнинг замонавий йўналишлари

| | |
|---|---|
| **Ўқув модулига ажратилган кредит:** | 12 кредит |
| **Ўқув модули мазмуни:** | Даволаш-профилактика муассасаларига қўйиладиган санитар-гигиеник талаблар. Қўзғатувчиларнинг госпитал штаммлари: таърифи, хоссалари, шаклланиш шароитлари. Штаммларни эпидмаркировкалаш усуллари. Шифохонанинг госпитал эпидемиологи, унинг вазифалари. Турли шифохоналарда ШИИ кўтарилишларини эпидемиологик суриштирувнинг хусусиятлари, асосий йўриқ- |

| | |
|---|---|
| | ҳужжатлар. Кўп тармоқли шифохоналар шароитида ШИИ юзага келиши, этиологияси ва эколого-эпидемиологик хусусиятлари. Шифохоналарда инфекцион назорат тизими, унинг мақсади ва вазифалари, турли шифохоналарда хусусиятлари. Инфекцион назорат комиссиясининг таркибий тузилиши. Шифохоналарда ШИИ кўтарилишларини эпидемиологик суриштирув. ШИИда профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг кетма-кетлиги (алгоритми).<br>СанҚваМ № 0239-07 СанҚваМ № 0365-19 |
| **Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:** | Ичак инфекциялар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш, уларни олдини олиш ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни режалаштириб ўтказиш;<br>Нафас йўллари инфекциялари хақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш, уларни олдини олиш ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни режалаштириб ўтказиш;<br>Қон орқали юқадигап инфекциялар хақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш, уларни олдини олиш ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни режалаштириб ўтказиш;<br>Ташқи қоплам инфекциялар хақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш, уларни олдини олиш ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни режалаштириб ўтказиш.<br>Инфекция манбаларини ўз вақтида аниқлаш ва нейтраллаш чоралари: беморни эрта аниқлаш ва алоҳидалаш, касалхонадан чиқариш қоидалари, реконвалесцентларнинг диспансер кузатувини ташкил қилиш. Ташувчиларни аниқлаш чоралари;<br>Шифокорлик амалиётида қўлланиладиган тиббий анжомларнинг дезинфекцияси, стерилизациядан олдинги тозалаш ва стерилизациясининг аҳамияти ва усуллари.<br>ОИВ/ОИТС инфекцияси хақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш, уларни олдини олиш ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни режалаштириб ўтказиш. |
| **Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:** | Юқумли касаликлар бўйича эпидемиологик вазиятнинг тезкор ва ретроспектив таҳлилини ўтказиш, аҳолининг хилма-хил гуруҳлари орасида, ҳудуд бўйича юқумли касалликлар тарқалишини таҳлил ўтказиш йўли билан аҳоли орасида юқумли касалликлар пайдо бўлишини сабаб ва |

| | |
|---|---|
| | вазиятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.<br>Касаллик юқишининг омиллари ва касаллик манбаини аниқланиши билан юқумли касалликлар ўчоқларида таҳлил ўтказиш.<br>Касаллик пайдо бўлиш вазиятида, эпидемиологик жиҳатдан хавфли ҳудудларга эпидемия олди даврида, эпидемиологик асоратлар пайдо бўлишида ва жойларга етиб бориш каби, санитар-гигиеник ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкил этилишида консультатив, услубий ва амалий ёрдам бериш.<br>Тиббий чиқиндиларни уларнинг хавфлилик синфи бўйича ажратишни билиш.<br>Турли тиббий муолажалар ўтказишда шифохона ичи инфекциялари билан зарарланиш хавфини баҳолай олиш.<br>Шифокорлик амалиётида қўлланиладиган тиббий анжомларнинг дезинфекцияси, стерилизациядан олдинги тозалаш ва стерилизациясида Ўзбекистон республикасида рўйхатга олинган ва қўллашга рухсат этилган дезинфекция ва стерилизация восталаридан фойдалана билиш.<br>Юқумли касалликлар эпидемик ўчоқгида профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўтказиш. Эмлаш ишларни ўтказиш керак бўлган контингентни аниқлаш. |

## 5 Модул. Шифохона шароитида юқиш эҳтимоли юқори бўлган айрим ифекцияларнинг олдини олишнинг замонавий цўналишлари

| | |
|---|---|
| **Ўқув модулига ажратилган кредит:** | 6 кредит |
| **Ўқув модули мазмуни:** | Вирусли гепатитлар (B, C, D, G) этиологияси ва эпидемиологияси, парентерал вирусли гепатитлар билан гемотрансфузион зарарланишнинг профилактикаси. ОИВ/ОИТС. ОИВ-инфекциясининг этиологияси, патогенези, диагностикаси, эпидемиологияси. АРВ-терапия асослари. ОИТСнинг профилактикаси. Мулоқотдан кейинги профилактика. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар. Қрим-Конго геморрагик иситмаси, этиологияси ва эпидемиологияси ва гемотрансфузион зарарланишнинг профилактикаси. |

| | |
|---|---|
| | ССВ 27.08.2018 йилдаги 542-сонли Буйруғи |
| **Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:** | Янги меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш<br>Юқумли касалликларни таҳлил қилиш, ва ҳисобот электрон тарзда статиск усули ёрдамида тўлдириш<br>Юқумли касалликларга қарши профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар тузиш<br>Юқумли касалликларни лаборатория ташҳисот услуби |
| **Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:** | Юқумли касалликлар ўчоғида эпидемик ташҳис, эпидемияга қарши янги усулларни, аҳолини касалликка мойиллигини, аҳолида иммунитетни ҳосил қилишга қаратилган чоралар, ўта хавфли касалликлар пайдо бўлганда қўлланадиган режим қоидаларини бажара олади. Янги назарий ва амалий билимларни эгаллашга ва уларни кундалик амалиётда қўллаш олиш, эпидемиолог шифокорнинг касбий дунё қарашини кенгайиши. Юқумли касалликлар кўтарилишларини самарали эпидемиологик суриштирувини олиб бориш, шунингдек, касалликларнинг биостатистик таҳлилларини юксак илмий-услубий даражада олиб бориш. |

## 6 Модул. Республикада санитария-эпидемиологик осойишталикни ташкил этиш тамойилларининг замонавий талқини- назарий ва амалий асослари

| | |
|---|---|
| **Ўқув модулига ажратилган кредит:** | 12 кредит |
| **Ўқув модули мазмуни:** | Республикада санитария-эпидемиологик осойишталикни ташкил этиш тамойиллари, шифохона ичи инфекцияларини олдини олишнинг назарий ва амалий асослари. Республикада юқумли касалликлар профилактикасини ташкил этиш тамойиллари, марказлашган стерилизация жараёнининг назарий ва амалий асослари. |
| **Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:** | Янги меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш<br>Юқумли касалликларни таҳлил қилиш, ва ҳисоботни электрон тарзда статистик усул ёрдамида тўлдириш<br>Юқумли касалликларга қарши профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар тузиш<br>Юқумли касалликларнинг лаборатория ташҳисот |

| | |
|---|---|
| | услуби |
| **Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:** | Юқумли касалликлар ўчоғида эпидемик ташҳис, эпидемияга қарши янги усулларни, аҳолини касалликка мойиллигини, аҳолида иммунитетни ҳосил қилишга қаратилган чоралар, ўта хавфли касалликлар пайдо бўлганда қўлланадиган режим қоидаларини бажара олади. Янги назарий ва амалий билимларни эгаллаши ва уларни кундалик амалиётда қўллаши, эпидемиолог шифокорнинг касбий дунё қарашини кенгайиши. Юқумли касалликлар кўтарилишларини самарали эпидемиологик суриштирувини олиб бориш, шунингдек, касалликларнинг биостатистик таҳлилларини юксак илмий-услубий даражада олиб бориш. |

**Аттестация -** Синов

**Дастурни амалга оширишнинг ташкилий-педагогик таъминоти**

**Ўқув базаси:** ТХКМРМ ассосий биноси – 5 қават

**Амалиёт базаси:** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Республика ОИТСга қарши кураш Маркази, Вирусология илмий тадқиқот институти, Тошкент вилоят кўп тармоқли Марказий стерилизация бўлими ва бошқа базалар,

**Дастур бўйича аудитория машғулотларини ўтказиш учун зарур жиҳозлар рўйхати:** электрон доска, компютер, проектор, доска, флипчат, маркер. Модуллар бўйича тавсия қилинадиган ўқув-услубий ҳужжатлар, тарқатма материаллар, назорат саволлари, қўшимча адабиётлар электрон нусхада сақланади

**Адабиётлар рўйхати**


1. Миртазаев О.М. Эпидемиология: учеб. / под ред.: — 2-е изд., перераб. и доп. — М.: ГЭОТАР — Медиа, 2018. — 692 с.: цв.ил.
2. СанҚваМ № 0342 – 17 Шифохона ичи инфекциялари профилактикаси
3. ССВ Буйруғи № 36 2015й. «Бошқарувчи юқумли касалликлар иммунопрофилактикасини ташкил этиш ва ўтказиш ҳақида»
4. Рахманова Ж.А., Искандарова Г.Т., «Утилизация медицинских отходов» Учебно-методическое пособие, Ташкент 2016г. с.112.
5. СанҚваМ № 0292-11 Санитарные правила и нормы проектирования, строительства и эксплуатации лечебно-профилактических учреждений
6. СанҚваМ № 0365-19 Санитарные правила и нормы проектирования, строительства и эксплуатации центров стерилизации медицинских инструментов и изделий

7. СанҚваМ № 0239-07 Дополнение №3 от 2015 года Иммунопрофилактика инфекционных заболеваний в Республике Узбекистан
8. ССВ 16-сонли Буйруғи 28 январь 2013 й. «Қон ишлатиш билан боғлиқ бўлган кўп маротаба қўлланилиши тақиқланган тиббий буюм ва асбоблар рўйхати»
9. СанҚваМ № 0349-17 «Санитарные правила и нормы устройства, оборудования и эксплуатации ЛПУ стоматологического профиля»
10. СанҚваМ № 0317-15 «Санитарные правила и нормы сбора, хранения и утилизации отходов в лечебно-профилактических учреждениях»
11. ССВ 27.08.2018 йилдаги 542-сонли буйруғи "Ўзбекистон Республикасида вирусли гепатитларнинг ташҳисоти, давоси ва профилактикаси бўйича чора-тадбирлдарни янада такомиллаштириш тўғрисида"

**Интернет-ресурслар**

www.tipme.uz
www.med.uz
www.minzdrav.uz
www.lex.uz
www.gov.uz
www.natlib.uz
http://privivka.uz/
www.epidemiolog.ru